# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 5 март, № 47 (8670) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## 2024 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она замин ва табиатга меҳр-муҳаббат, саховат ва мурувват, бунёдкорлик ва олийжаноблик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар энг қадимий байрамимиз бўлган Наврўз тимсолида асрлар давомида улуғланиб, сайқал топиб келмоқда.

Айниқса, бугун, жамиятимизда инсон қадри юксалиб, бебаҳо бойлигимиз — еримиз, сувимиз ва табиатимизга, шу борадаги неча минг йиллик анъаналаримизга эътибор кучайиб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида бу байрамнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Дунёда мураккаб вазият ҳукм сураётган ҳозирги таҳликали даврда Наврўзнинг буюк инсонпарварлик моҳияти, ўлмас ғоялари, одамзодни тинчлик ва дўстликни қадрлаб, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшашга, ҳаётни янада гўзал ва обод қилишга ундайдиган бунёдкорлик руҳи ва фалсафаси Ер юзидаги турли халқларнинг олийжаноб интилишларига ҳам ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Ана шундай ноёб фазилатлари билан бугун ҳам эзгулик ва тараққиётга хизмат қилаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишларга мос ҳолда, ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2024 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **“Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!”** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юқори даражада кенг нишонлансин.

2. 2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Арипов) **бир ҳафта муддатда** Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича **ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот тадбирлари дастури**ни тасдиқласин, шунингдек, унинг амалга оширилишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамининг барча тадбирларини миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳамда замонавий тажрибалар асосида юқори савияда, оммавий сайиллар шаклида ташкил этиш, уларда халқимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

байрам тадбирларини баҳор айёмида борлиқнинг уйғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни акс эттирадиган, юртдошларимизни бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайдиган мазмун билан таъсирчан усулларда ўтказиш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг эканини намоён этиш;

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастур асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун дастурхонлар ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини амалга ошириш;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, Наврўз байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа ва акциялар уюштириш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз байрамининг руҳи ва фалсафасига уйғун бўлган урф-одат, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

байрам тадбирлари давомида ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўчма савдо дўконларини ташкил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда уларнинг кўргазма-савдолари ва танловларини уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тантаналарида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуддаги уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарни кенг ёритиш.

4. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (О.Ҳасанов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

мазкур концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда, юқори бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) **бир ҳафта муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича **ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**:

умумхалқ сайиллари уюштириладиган асосий майдонлар, кўча ва хиёбонларни миллий услубда байрамона безатиш;

умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналар ташкил этиш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, майдон ва хиёбонларни безатишда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар жамоат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида — республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 4 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтидори, муҳим ғоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси F.Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 4 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги ПҚ-111-сон қарорига илова

### Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

**Худайбергенова Гулшинар Жангабаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси

**Коканова Нурсулиу Женисбай қизи** — Қорақалпоқ давлат университетининг чет тиллари факультети филология йўналиши 4-босқич талабаси

**Сулейманова Ўғилхон Абдуразок қизи** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Андижон вилояти бўлими артист-мақомчиси

**Жонибекова Хусниёбону Эргашвой қизи** — Андижон вилояти Хўжаобод тумани «Гара гури» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси

**Пулатова Моҳичехра Темировна** — Бухоро давлат университетининг қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича таянч докторанти

**Тўхтамишова Гулнора Мэлс қизи** — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 2-касб-ҳунар мактабининг информатика фани ўқитувчиси

**Чилмурзаева Мафтуна Абдуманнон қизи** — Ўзбекистон Миллий университетининг қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича мустақил тадқиқотчиси (Жиззах вилояти)

**Хожибоқиева Нигинахон Ўткир қизи** — Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали психология факультети иқтисодиёт йўналиши 3-босқич талабаси

**Ҳакимова Шаҳзода Баҳриддин қизи** — Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети 1-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

**Мирзаёрова Севара Убайдуллаевна** — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг саноат иссиқлик энергетикаси ихтисослиги бўйича таянч докторанти

**Эшпўлатова Моҳира Ўткиржон қизи** — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси (Навоий вилояти)

**Омонбоева Меруерт Эркин қизи** — Навоий вилояти Нурота туманидаги «Қосимқажи-Меруерт» масъулияти чекланган жамияти директори

**Хакимова Дилшода Ойбек қизи** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультети 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Аҳмаджонова Муҳайёжон Акрамжон қизи** — Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети 6-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Савадян Вилана Арсеновна** — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 51-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Юнусова Наргиза Туйчимурод қизи** — Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани «Қўшчинор» газетаси мухбири

**Акрамова Сарвиноз Абдувоҳид қизи** — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Шарқ филологияси ва таржимашунослик факультети 3-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

**Ирисқулова Камола Нормат қизи** — Тошкент давлат транспорт университетининг автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Сирдарё вилояти)

**Эргашова Садоқат Эшмамат қизи** — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Сурхондарё вилояти)

**Суюнова Шамсиқамар Искандаровна** — Рўзи Чориев номидаги Сурхондарё вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси

**Турсунбоева Фотима Ботир қизи** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера ижрочиси (Тошкент вилояти)

**Хақназарова Умида Урал қизи** — Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик мутахассислиги бўйича 2-босқич магистранти

**Абдусатторова Зиёдахон Дилшоджон қизи** — Фарғона вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг камондан отиш бўйича спортчиси

**Йўлдашева Мухайёхон Алишер қизи** — Фарғона политехника институтининг қурилиш факультети 4-босқич талабаси

**Шомуротова Зулфия Акмалжон қизи** — Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси

**Сапаева Рисолат Рустам қизи** — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали хореография факультети 2-босқич талабаси

**Тошева Маржана Рустам қизи** — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг вокал ва чолғу ижрочилиги педагогларини тайёрлаш кафедраси ўқитувчиси

**Трашкова Елизавета Дмитриевна** — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография санъати факультети 1-босқич талабаси

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни**







## АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ


**Танзила НОРБОЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати Раиси,**
**Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси.**


*Тарихдан маълумки, турли даврларда хотин-қизларга муносабат ҳукмрон сиёсат таъсирида ўзгариб турган. Лекин ўзбек аёллари ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлигини унутмаган. Нафақат мамлакат, балки бутун дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган не-не алломаларни, буюк шахсларни тарбиялаб вояга етказган. Ибн Синонинг онаси Ситорабону, Имом Бухорийнинг онаси Фотимабегим, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд онаси Биби Орифабегим каби фозила момоларимиз мана шундай ўзбек аёлларининг ёрқин тимсоли сифатида тарихда қолган.*

Ўз даврида давлат бошқаруви, ҳарб иши, юрт ҳимояси, мулкчилик, қурилиш, ишбилармонлик, таълим-тарбия, адабиёт соҳаларида фаол бўлган Томир хотин (Тўмарис), Сароймулкхоним, Гавҳаршодбегим, Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин каби ватанпарвар аждодларимиз юртимиз тараққиёти йўлида улкан ишларни олиб борган.

Мустабид тузум қатағонига учраган жадид боболаримиз билан елкама-елка туриб миллат тараққиёти, озодлиги йўлида фидойилик қилган, ўз ҳаётини хатарга қўйиб курашган Хайринисо Мажидхонова, Марям Султонмуродова, Хадича Алиева, Дилоро Юсупова каби ўнлаб матонатли маърифатпарвар ўзбек хотин-қизларининг ибратли фаолияти ҳақида бугун биз тўлиқ маълумотга эга бўлмоқдамиз.

Мамлакатимизда юридик соҳани ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова, Ҳалима Муҳитдинова каби таниқли ҳуқуқшунослар яратиб кетган мактаб, бой илмий мерос соҳа учун етук кадрлар тайёрлашда ҳозир ҳам асқатмоқда. Бутун ижоди давомида ўзбек хотин-қизларининг орзу-армонларини, севги ва садоқатини, она Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини тараннум этган Зулфия опа, Ҳалима Худойбердиева каби кўплаб шоираларнинг дурдона асарлари қизларимизни ҳамон юксак марралар сари илҳомлантириб келмоқда.

Халқимизда “Оққан дарё оқаверади” деган нақл бор. Ҳозирги кунда мамлакатимизда Президентимизнинг алоҳида эътибори, чексиз ғамхўрлиги натижасида хотин-қизларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, аввало, уларнинг жамиятда қадрини ошириш, азалдан ўзбек аёлига хос бўлган юксак интеллектуал салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш, заҳматкаш, оқила, мард ва жасур онахонларимизнинг ишини муносиб давом эттиришга қодир авлодни тарбиялашга қаратилгани билан муҳимдир.

Бугун тараққийпарвар дунё ҳам хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги тенглиги ва тўлақонли иштирокини таъминлаш мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, жамиятлар демократлашуви ва Ер юзида тинчлик-осойишталикни сақлашда энг муҳим омиллардан бири эканини тобора чуқур англамоқда. Қолаверса, глобал миқёсда давом этаётган экологик ва иқтисодий инқироз, давлатлар, динлар ҳамда миллатлараро ўзаро можаролар аҳоли турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатаётган, бундан аёллар ва болалар кўпроқ азият чекаётган бир даврда ушбу масала янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, истеъдоди ҳамда қобилиятини юзага чиқариш, гендер тенгликка эришиш миллий сиёсатимизда устувор вазифа сифатида белгиланиб, изчил амалга ошириб келинмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, **хотин-қизларни барча жабҳада қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий ва моддий асос яратилди**. Жумладан, бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди ва миллий қонунчилигимиз асослари такомиллаштирилди. Юртимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, таълим олиш ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун кенг имконият яратишга қаратилган 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 4 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 га яқин Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори қабул қилинди. Янгиланган Конституциямизда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, давлат хотин-қизлар ҳамда эркакларга давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва бошқарув ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаши белгилаб қўйилди.

2-3

# АЁЛ ҚАДРИ

1 Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг ўзига хослиги бу борада амалга ошириладиган вазифаларнинг асосий йўналишлари Президентимиз томонидан аниқ белгилаб берилгани ҳамда **“...биронта хотин-қиз давлат ва жамият эътиборидан четда қолмайди”**, деган қатъий тамойил асосида, кенг қамровда самарали йўлга қўйилганидадир. Мазкур масалага доир қабул қилинган дастурлар, лойиҳалар ва белгиланган чора-тадбирлар натижалари тез орада хотин-қизларимизнинг бевосита ҳаётида акс этиб, уларнинг турмуши фаровонлигини таъминлашга, қадрини оширишга хизмат қилаётгани қувонарли.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси тузилди. Унинг асосий вазифалари сифатида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳуқуқ ва эркинликнинг барча жабҳасида тенглик имкониятларини яратиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ишларини назорат қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш масалалари белгиланди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида мана шу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси доирасида мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклига барҳам бериш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида қатор ишлар рўёбга чиқарилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексида аёллар ва эркаклар меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш, меҳнат ҳуқуқлари таъминланишининг ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатлангани, айниқса, хотин-қизларга меҳнат муносабатларида, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалаларда эркаклар қатори бир хил муносабатда бўлиш бўйича нормалар киритилди.

Аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширишга эътибор қаратилиб, Сайлов кодексига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизига оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Сўнгги йилларда мамлакатда қарорлар қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли даражада ортиб, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партияларда 46 фоизга, олий таълимда 48 фоизга етди. Барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги муассасалар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан тайинлаш тизими жорий этилди.

Бугунги кунда 2 мингдан ортиқ хотин-қизлар турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда. Биргина республика ва маҳаллий даражадаги ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларида 241 нафар хотин-қиз фаолият юритмоқда. Уларнинг 2 нафари раҳбар (вазир, қўмита раиси), 9 нафари раҳбар ўринбосари (вазир, раис ва директор ўринбосарлари), 14 нафари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, 4 нафари туман (шаҳар) ҳокими ҳамда 212 нафари туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари сифатида иш олиб бормоқда.

Куни кеча Жаҳон банки ўзининг “Аёллар, бизнес ва қонун” йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, мамлакатимиз ҳуқуқий жиҳатдан гендер тенглиги тараққиёти бўйича 190 та давлат ичида энг кучли бешталикка кирди. Ҳисоботда келтирилишича, Ўзбекистонда 2022 йилнинг октябрь ойидан буён хотин-қизларнинг мавқеини яхшилашга хизмат қилувчи тўртта ҳуқуқий ислоҳот амалга оширилган. Бу эса мамлакатимизнинг 82,5 балл билан дунё рейтингида юқори поғоналарни эгаллашига асосий омил бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида аёлларимиз учун кенг шарт-шароитларни яратиш борасидаги ислоҳотларимизни давом эттирар эканмиз, бундай халқаро эътирофлар бундан кейин ҳам бўлавериши шубҳасиз.

Халқимиз азалдан қизларга, оналарга миллат тарбиячилари сифатида алоҳида эътибор қаратиб келган. Маърифатпарвар боболаримиз бежиз **“Оналарни ўқитсак, миллатни ўқитган бўламиз”** деган фикр билан ўзбек аёлларининг билимли, илмли бўлиши йўлида жон куйдирмаган. Ўша қалтис бир даврда миллатпарвар зиёлиларимиз ҳомийлигида ўзбек қизларининг бир гуруҳи Германияга ўқишга жўнатилган. Мана шу мисолнинг ўзиёқ хотин-қизлар таълим-тарбиясига илғор ота-боболаримиз ҳаёт-мамот масаласи сифатида қараганини кўрсатади.

Албатта, бугунга келиб жадидларнинг мана шу орзу-умидлари ушалмоқда. Узлуксиз таълимнинг барча босқичини тубдан ислоҳ этиш, ўқув жараёнига энг сўнгги илғор технологияларни жорий қилиш, ўқитувчиларнинг профессионаллик даражасини кўтариш борасида олиб борилаётган ишларнинг барчаси замонавий билим, кўникма ва малакаларни, меҳнат бозорида талаб катта бўлган касб-ҳунарларни эгаллаган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

Мана шу ислоҳотлар жараёнида **хотин-қизлар таълимига алоҳида эътиборнинг қаратилиши** улар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган нафақат бугунги масалаларни ҳал этиш, балки келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бугун **“Аёлларга илм бериш — жамиятни илмли, маърифатли ва салоҳиятли қилиш”** деган мезон ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. Билим оламан, касб-ҳунар эгаллайман, илм-фан билан шуғулланаман деган хотин-қизлар учун имкониятлар эшиги очиқ. Уларга махсус квоталар ажратилган, шартнома тўловлари Давлат бюджетидан қоплаб берилмоқда, имтиёзли кредитлар тақдим этилмоқда. Бундай чексиз ғамхўрликлар қизларимизда билим олишга бўлган рағбатни, келажакда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга бўлган саъй-ҳаракатни кучайтириб юборди. Олий таълим муассасаларида ҳозирда таълим олаётган талабаларнинг 598 минг нафарини, яъни 49,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. 2017 йилдагига нисбатан оладиган бўлсак, бу кўрсаткич 12 фоизга ошганини кўрамиз.

Шу ўринда сўнгги йилларда кузатилаётган яна бир ижобий тенденцияни, яъни хотин-қизларда амалий ва аниқ фанларга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлаш ўринли. 2022/2024 ўқув йилида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг STEAM таълим йўналишлари бўйича кўрсаткичи таҳлил қилинганда, физика йўналишида ўқиётган талабаларнинг 64 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани маълум бўлди. Шунингдек, математика (60 фоиз), хизмат кўрсатиш (34 фоиз), қишлоқ хўжалиги (36 фоиз) ва ишлаб чиқариш ва ишлов бериш (32 фоиз) каби йўналишлар бўйича ҳам бу борада ўсиш кузатилган.

Жорий йилнинг январь ойида делегациямиз Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда Лондонда ташкил этилган **“Янги Ўзбекистон — янги имкониятлар, ривожланиш учун ижтимоий шериклик”** халқаро форумида иштирок этиб, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясини амалга ошириш доирасида ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини келишиб олдик ва меморандум имзоладик. Жумладан, мамлакатимизда қўлга киритилаётган бундай натижалар мазкур халқаро молиявий ташкилот билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган илм-фан, технологиялар, муҳандислик ва математика, шунингдек, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланадиган энергия ва атроф-муҳит технологиялари билан боғлиқ соҳаларда тадбиркор аёлларнинг инновацион ва ижодий фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган яна бир муҳим йўналиш **доимий ишига эга бўлмаган опа-сингилларимизга касб-ҳунар ўргатиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлашдан** иборат.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2022 йилда қабул қилинган “Хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ушбу жараён билан боғлиқ барча ташкилий, молиявий масалалар ҳамда курсларни битирганларни ишга жойлаштиришгача аниқ белгилаб берилди.



2023 йилда камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари йўлланмаси асосида 77,9 минг хотин-қиз 75 та касб-ҳунар йўналиши бўйича ўқитилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилда бор-йўғи 4,2 мингни ташкил этганини ҳисобга олсак, қисқа муддатда бу жараён қанчалик тез жадаллашиб кетганини, унга эҳтиёж ниҳоятда катта бўлганини англаш қийин эмас. Қолаверса, бу борадаги ўсиш фақат сонда эмас, самарадорликда ҳам кўзга ташланмоқда. Мазкур ўқув курсларини тугаллаган 71,9 минг нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Шунингдек, 3,8 минг нафар ногиронлиги бўлган хотин-қиз касб-ҳунарга ўқитилган. Уларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўқиш даврида 4,8 млрд. сўм рағбатлантириш тўловлари тўлаб берилган. Умуман олганда, ўтган сўнгги 7-8 йил давомида 1 339 мингдан зиёд хотин-қизлар бандлиги таъминланди, 233 мингдан ортиқ аёлларга 4,7 трлн. сўм кредит берилди. Бунинг натижасида бугунга келиб тадбиркорликда аёллар улуши 2017 йилдаги 21 фоиздан 37 фоизга кўтарилди.

Шу ўқув йилидан бошлаб қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича мутахассисликларни эгаллаш истагида бўлган хотин-қизлар учун тегишли йўналишдаги коллеж ва техникумларда давлат гранти асосида таълим олиши белгилаб қўйилди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, барча соҳада уларнинг иштирокини кенгайтиришда яна бир муҳим омилга, яъни уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим ва малакаларини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда олий ўқув юртларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича таълим олаётган талабаларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Биргина “IT-Women.Uz” лойиҳасининг ҳудудлардаги 205 та ўқув марказида 4500 дан ортиқ хотин-қизлар ахборот технологиялари соҳасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатди.

БМТ Тараққиёт дастури ва Халқаро электралоқа иттифоқи билан биргаликда 2022 йилда дунёнинг 20 та давлати қаторида Ўзбекистоннинг барча ҳудудида гендер рақамли тафовутни бартараф этиш рейтинги индикатори бўйича бўлиб ўтган баҳолаш якунида мамлакатимиз хотин-қизларининг рақамли технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичи 87 фоизни ташкил этгани албатта, қувонарли. Президентимиз Фармони билан жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти танлови учун яна бир йўналиш очилди. Энди ахборот технологиялари соҳасида алоҳида ютуқларга эришган иқтидорли қизлар ҳам ушбу нуфузли мукофотни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади.

Яқинда қабул қилинган **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури**да ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун **“Қизлар академияси” платформаси** ишга туширилиши ва шу орқали улар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрлик натижасида яқин йилларда хотин-қизларимиз фаолият кўрсатиши мумкин бўлган соҳалар кўлами янада кенгайиб, уларнинг бандлигини таъминлаш имкониятлари сезиларли даражада ортади.

Дунё миқёсида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб бир даврда Президентимиз томонидан мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди ва бу борада ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси тизими қайта тикланди ва такомиллаштирилди.

Давлат раҳбари **илм-фанни ривожлантиришда аёллар салоҳиятидан самарали фойдаланиш** масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ҳамда натижаларга эришаётган олималарни матонат ва жасорат соҳибалари сифатида юксак қадрлашини, уларни қанча зарур бўлса, шунча қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлаб келади. Мана шу эътиборнинг амалий бир мисоли сифатида сўнгги йилларда истеъдодли, билимли хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш, уларни олий таълимдан кейинги таълимга тайёрлаш бўйича амалга оширилган бир қатор чора-тадбирларни айтиб ўтиш мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, яқин-яқингача хотин-қиз талабалар турли объектив, субъектив сабабларга кўра таълимнинг магистратура босқичини давом эттира олмас эди. 2022 йилдан бошлаб магистратурада таълим олаётган талаба қизларнинг шартнома тўловларининг Давлат бюджетидан тўлаб берилиши амалиёти йўлга қўйилиб, шу мақсадга ҳар йили 200 млрд. сўм ажратиладиган бўлди. 2022/2023 ўқув йилида магистратура босқичида таълим олаётган 14 минг 110 нафар талаба-қизнинг 152,9 млрд. сўмлик шартнома тўловлари Давлат бюджетидан қоплаб берилган.

Тасаввур қилинг, 2018/2019 ўқув йилида магистр талаба қизлар сони 4 минг 488 нафар бўлган бўлса, 2022/2023 ўқув йилига келиб уларнинг сони 17 минг 122 нафарга етган. Чуқурроқ мушоҳада этадиган бўлсак, бу рақамлар нимадан дарак беради? Биринчидан, улар танлаган касби бўйича билимларни пухта ўзлаштирган, маълум бир амалий тажрибага эга, бугунги меҳнат бозорига рақобатдош етук мутахассис сифатида кириб боради. Иккинчидан, улар келажакда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш салоҳиятига эга илмий кадрлар сифатида шаклланади.

Мазкур йўналишда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик шу билан тугамайди, у изчил давом эттирилади. Жумладан, олий таълимдан кейинги таълим учун белгиланган жами қабул квотасининг 48 фоизи, яъни 2374 таси улар учун ажратилган. Бугунги кунда олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда 6 минг 217 нафар хотин-қиз илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Президентимизнинг **“Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз”** деган фикрларидан биз ҳозир санаб ўтган имконият, шарт-шароит ва қулайликлар нима мақсадда яратилаётгани, улардан қандай натижа кутилаётгани, муҳими, зиммамизга қандай масъулият юклаётганини чуқур англаб етишимиз зарур.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди. Президентнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Бугунги кунда 250 та хизматни қамраб олган ижтимоий ҳимоя тизими орқали меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларига кўмаклашиб келинмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдамни адолатли, аниқ манзилли ҳамда шаффоф тарзда ташкил этишда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” каби мутлақо янги ва ўзига хос механизмнинг йўлга қўйилгани масалаларни самарали ҳал этишга хизмат қилаётир.

Жумладан, **оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли**

Мулоқот

## МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИККА УНДОВЧИ САМАРАЛИ ПЛАТФОРМА

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Тараққиёт дастурининг (БМТТД) Европа ва Марказий Осиё минтақавий бюроси “Тенг келажак” онлайн-платформаси ишга туширилишига бағишлаб видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда қатнашди.*

Унда БМТ Бош котиби ёрдамчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ минтақавий бюроси директори Ивана Живкович, шунингдек, БМТТД бўлимлари раҳбарлари ҳамда илмий-экспертлик доира вакиллари иштирок этди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, “Тенг келажак” платформаси 2020 йилда БМТТД Истанбул минтақавий маркази томонидан Европа ва Марказий Осиёдаги 19 давлат парламентлари, идоралари ва фуқаролик жамияти институтларига гендер тенглик соҳасида ахборот ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишга туширилган. Платформа аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироки бўйича онлайн билим маркази ҳисобланади.

Тадбир давомида Сенат Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т. Норбоева бу галги учрашув барча мамлакатлар учун ниҳоятда долзарб эканини, боиси гендер сиёсати жамият ва давлат тараққиётининг муҳим омили эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларига фаол жалб этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирларга, гендер тенглик масалаларида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мамлакатимизнинг халқаро ташаббусларига тўхталиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари онлайн-платформа гендер тенглик масалаларини ҳал қилиш учун турли муҳокамалар ташкил этиш, тренинг ва турли тадбирларни биргаликда ўтказиш, Европа ва Марказий Осиё минтақаларида гендер тенглик соҳасида ахборот ва тажриба алмашиш учун самарали платформа бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАЁТИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ўтган йил якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга оид бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.*

Қонунчилик палатаси фракцияларида

## Аҳоли таклиф этган лойиҳалар молиялаштирилмоқда

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида давлат дастури ижроси муҳокамасида иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот йилида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида кўрилган чоралар туфайли ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 6,0 фоизни ташкил этган.

“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури доирасида 2023 йилда 100 та экспортчини қўшимча қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида 100 та экспортчи корхона рўйхати онлайн тартибда автоматик тарзда рейтинг асосида шакллантирилган ва экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ягона порталида (www.exportportali.uz) эълон қилинган.

Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида ирригация-мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда суғориш қудуқларини ўрнатиш орқали республика бўйича 105,2 минг гектар ер майдони фойдаланишга киритилган.

“Ташаббусли бюджет”, “Менинг йўлим”, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида аҳоли томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 13 трлн. сўм маблағ йўналтирилган.

Мунозаралар давомида депутатлар дастурда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни ижобий баҳоладилар. Шу билан бирга, айрим масалалар юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди, айрим саволлар ўртага ташланди.



Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси товар ва молия бозорларида соғлом рақобат муҳитини таъминлашга қаратилган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан паст даражага эга бўлган ҳоллар бўйича рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун хўжалик юритувчи субъектга молиявий санкцияларни қўллашда адолатлилик принципига риоя этилишига хизмат қилади.

## Эътирозлар асослими?

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари давлат дастурини партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қиларкан, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида амалга оширилган ишларга эътибор қаратдилар.

Таъкидланганидек, ҳисобот йилида 3 — 7 ёшли болаларнинг 2,9 млн. нафаридан 2,1 млн. нафари, яъни 74 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинган. Мактабга тайёрлов гуруҳларига қамров эса 93 фоизга етган.

Шунингдек, мактабгача таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш мақсадида махсус бошқариш ахборот тизими ишлаб чиқилган. Қолаверса, ходимлар ва тарбияланувчиларнинг давомати электрон ҳисобланиши йўлга қўйилган.

Ҳисобот йилида янги мактабларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида “Намунавий мактаб” лойиҳалари асосида 563 та мактабда қурилиш ишлари якунига етказилган. Натижада 118 600 та янги ўқувчи ўрни яратилди. Нодавлат таълим ташкилотлари сони эса 449 тага етказилди.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш борасида салмоқли ишлар бажарилган.

Мунозаралар давомида “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари А. Қодиров ташқи ёзувлар масаласини кўтариб, давлат тили ҳамда реклама тўғрисидаги қонунларга ҳамон амал қилинмаётгани, бунга масъул идора — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳеч қандай муносабат билдирмаётганини таъкидлади.

Фракция раҳбарининг фикрича, мобиль компаниялар, банк ва Солиқ қўмитаси электрон хабарномалари, нотариал идораларнинг ҳужжатлари ҳам давлат тилида эмас. Бу амалдаги қонунларни қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Буни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Мутасаддилар ушбу эътирозлар тўғри эканини қайд этиб, бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини маълум қилди.



## Маъмурий ҳуқуқбузарликлар доираси кенгайтирилади

**“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ярашув институтига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доираси кенгайтирилмоқда. Унинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қилади.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган таклифларнинг аксарияти эътиборга олингани ва лойиҳа матнида ўз ифодасини топганини алоҳида қайд этдилар.

Йиғилишда, шунингдек, давлат дастурининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари ҳисоботни муҳокама қилиш жараёнида, асосан, ижтимоий соҳада амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Қайд этилганидек, давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий қилиш ишларини давом эттириш мақсадида Тошкент шаҳридаги стационар муассасаларда беморларни ётқизиш, тиббий статистик шаклни электрон тўлдириш ҳамда Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига маълумотларни узатиш имконияти яратилган.

Ҳисобот йилида бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соҳага ажратиладиган маблағларни мақсадли йўналтириш мақсадида 12,6 млн. нафар 18 — 40 ёшли аҳоли профилактик тиббий кўриклардан ўтказилган.

Муҳокама давомида дастур ижроси доирасида амалга оширилган ишлар алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ҳудуддаги мавжуд эҳтиёж ва аҳолининг таклифларини инобатга олган ҳолда

# УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

**қўллаб-қувватлаш** мақсадида йўлга қўйилган "аёллар дафтари" энг аввало, ёрдамга муҳтож, муаммосини ўзи ҳал этишга қодир бўлмаган оилалар, аёлларга кўмак бериш, уларни оёққа турғазишда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Ушбу эзгу ҳаракат натижасида бугунги кунгача кўплаб хотин-қизларга турли кўринишдаги моддий кўмак берилиб, уларнинг муаммолари ҳал этилди.

Хусусан, ўтган йили боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган 224 минг 397 нафар аёлга 225,1 млрд. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 3 минг 841 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирланиб, уй-жойга муҳтож бўлган 8 минг 656 нафарининг шароитини яхшилашга 11,7 млрд. сўм ижара компенсацияси тўлаб берилди, 1 минг 481 нафарини арзон уй-жойлар билан таъминлашга 42,9 млрд. сўм сарфланди.

Умуман олганда, биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу дафтарга киритилган 993 минг 386 нафар хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилган, шу мақсадга барча манбалар ҳисобидан жами 1,2 трлн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Албатта, мана шундай ёрдамлар эвазига қаддини тиклаган, оиласини моддий жиҳатдан таъминлаётган, фарзандларини бекаму кўст тарбиялаб, вояга етказаётган аёлларнинг юзидаги қувончни, мамнунликни кўриб, Президентимиз раҳбарлигида халқимизни рози қилиш, қадрини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари ҳаётимизда қанчалик акс этаётганига яна бир бор амин бўламиз.

— Давлатимиз раҳбарининг Андижонга ташрифи чоғида корхонамизда бўлиб, жамоамиз билан дилдан суҳбатлашгани ҳаётимдаги тарихий кунлардан бири бўлди, — деди "Асака текстиль" кластер тўқимачилик корхонаси тикувчиси Исмигул Йўлдошева. — Айниқса, Президентимизнинг оталарча ғамхўрлик билан **"Қадр аёлдан бошланса, қадримиз янада баланд бўлади!"** деган сўзлари руҳимни кўтариб юборди. Мен ўз ҳаётимда бу гапнинг мағзини чақиб, шукрона келтирмоқдаман. Чунки рўзғорим бут, оиламда хотиржамлик, фарзандларим, яқинларим ёнимда. Эртанги кунимдан кўнглим тўқ. Бир аёлга бундан зиёда бахт борми?!

Ҳа, бундай самимий дил сўзлари Исмигул каби бугун толеи баланд бўлган минглаб опа-сингилларимизнинг қалбида садо бермоқда.

Жамиятда **хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш** ҳақида гап кетаркан, бу борада **уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш** бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканини таъкидлаш зарур. Очиғини айтиш керак, яқин-яқин йилларгача ушбу оғриқли масала очиқчасига муҳокама қилиниб, уни ҳал этиш бўйича тизимли иш олиб борилмаганлиги натижасида муаммолар йиғилиб ётаверди.

Сўнгги йилларда халқимизни қийнаётган муаммолар қаторида ушбу иллатнинг ҳам юзага чиқарилиши ҳамда унинг ҳар қандай кўринишини буткул бартараф этиш бўйича қонуний асосларнинг яратилиши, жамиятда унга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз натижаларини бермоқда.

Тасаввур қилинг, 2021-2022 йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга аёллар ва қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан 72 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган. Бу билан бундай ҳолатлар шу йилларга келиб авж олган, деган хулосага келиш нотўғри. Аслида, **шундай бир оғир вазиятга тушиб қолган, умидсиз, муштипар аёл арз-додини эшитадиган, дардига малҳам бўладиган замон келганидан бу**.

Афсуски, шу кунгача Ўзбекистон қонунчилигида оиладаги зўравонлик бўйича жавобгарликка тортувчи алоҳида норма бўлмаган. 2023 йил 11 апрелда "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга "оилавий (маиший) зўравонлик", "таъқиб этиш", "шаҳвоний шилқимлик" каби тушунчалар киритилиб, ушбу ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий, жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жинсий зўравонлик, жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этганларга қонунчиликда кўзда тутилган енгилликлар берилмаслиги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш, ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш каби имтиёзлар қўлланмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи "ҳимоя ордери" муддатини 30 кундан 1 йилга узайтириш бўйича судларга ваколат берилди. Шунингдек, мазкур қонун билан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зулмга йўл қўймаслик, жамиятда уларни камситишнинг олдини олишга қаратилган яна бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



Албатта, қонунларнинг қабул қилиниши яхши, масаланинг яна бир муҳим томони уларнинг қанчалик ҳаётга татбиқ этилиши, самара беришидадир. Шу мақсадда ушбу қонун ижросини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни қамраб олган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Республика, вилоят, туман доирасида ишчи гуруҳлар, тарғибот гуруҳлари шакллантирилиб, жойларда зарур ҳуқуқий, психологик ҳамда амалий кўмак ташкил этилмоқда.

Президентимиз ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида кейинги йилларда мамлакатимизда оила ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари, аёлларни зўравонлик ва тазйиқдан ҳимоя қилиш тизими анча кучайтирилганини, лекин бундай ҳолатлар ҳали ҳам учраб турганини таъкидлади. Айниқса, зўравонликка учраган хотин-қизлар реабилитация билан етарлича қамраб олинмагани қайд этилди.

Аёллар ва болаларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш бўйича маҳалла даражасида алоҳида тизим яратиш, бундай ҳолатга учраган аёллар реестри тузилиб, уларга маҳаллада тезкор комплекс хизмат кўрсатиш тизими жорий қилиниши белгиланди. Шунингдек, ҳар бир туман шифохонасида зўравонликка учраганларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш учун туну кун ишлайдиган хоналар ташкил этилиши маълум қилинди. Албатта, бу борада "маҳалла еттилиги" таркибидаги мана шу ишга бевосита масъул бўлган мутасаддиларнинг яқиндан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, **хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида фаол иштирокини таъминлаш нафақат бизнинг юртимизда, балки бутун дунёда долзарб масала** сифатида турибди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг дунё аёлларини тинчлик ва тараққиёт йўлида бирдамликка чорлайдиган, ҳозирда барчани бирдек ўйлантираётган глобал миқёсдаги муаммоларга кенгашиб оқилона ечим топишга қаратилган ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан қизғин қабул қилинмоқда.

Биз Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти, Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари саммити, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти хотин-қизлар форуми йиғилишларида аёлларнинг давлат бошқаруви, превентив дипломатия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва бизнес, маданият, таълим, фан, санъат, гендер тенглиги, умуман, барқарор ривожланиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириб келмоқдамиз. Ушбу нуфузли халқаро тузилмаларнинг бир қатор тадбирлари юртимизда юқори савияда ўтказилаётгани мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда жамиятни демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, уларнинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилаётганига ёрқин мисол бўла олади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда гендер тенглик қанчалик таъминланганлиги хотин-қизларнинг давлат бошқарувининг энг юқори поғоналарида эгаллаган ўрни билан ҳам белгиланади. Нега деганда, уларнинг мамлакат тақдири билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилинадиган давлат идораларида етарлича вакилликка эга бўлиши хотин-қизларнинг манфаатлари шунчалик самарали илгари сурилиши ва мазкур ҳужжатларда амалда ўз аксини топишида катта ўрин тутади. Парламентлараро Иттифоқ маълумотига кўра, унга аъзо 180 давлат ичида Ўзбекистон мазкур кўрсаткич бўйича 45-ўринни эгаллаган. Жаҳон банкининг "Аёллар, ҳуқуқ ва бизнес" индексида мамлакатимиз ўринлари яхшиланди. Ўзбекистон "хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасида муҳим ислоҳотларни амалга оширган" 27 та давлат сирасига кирди.

Шу ўринда яна бир муҳим масала, яъни жамиятимиз мустаҳкамлиги, давлатимиз барқарорлигининг муҳим асосларидан бири — оиланинг тарбия ва таълим борасидаги салоҳиятини ошириш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра долзарб бўлиб турибди.

Бугун халқаро майдонда рақобат тобора кучайиб, дунёда ўз таъсирини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан интилаётган давлатлар ўртасидаги зиддиятлар кескин тус олмоқда, ахборот маконида турли ғоявий, маънавий таҳдидлар авж олиб бормоқда. Шундай оғир бир вазиятда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, уларни фарзандларимизнинг онгу шуурига чуқур сингдириш халқ, миллат сифатида бирлигимизни таъминлаш, ўзлигимизни сақлаб қолишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида **"Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими? Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда "ўзбек", "ўзбекистонлик", "Ўзбекистон" деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади"**, дея барчамизни, айниқса, зиёлиларни яна бир бор огоҳликка чақирди.

Президентимиз томонидан куюнчаклик билан айтилган бу гаплар, аввало биз, оналарга тегишли, десак, тўғри бўлади. Оилада онанинг ўрни, унинг фарзандлар тарбиясига кўрсатадиган беқиёс таъсири ҳақида Шарқ мутафаккирлари кўп ва хўп фикрлар билдиришган. Оиладаги муҳит, фарзандлар хулқи ва одоби, унинг отага, атрофдаги кишиларга ва жамиятга муносабати айнан онанинг дунёқараши, билими ва маънавияти билан боғлиқ ҳолда шаклланишини улар алоҳида таъкидлашган. **"Оқила аёл — оиланинг асоси, болаларини ўз замонаси учунгина эмас, келажак учун ҳам тарбиялайди"** дейди алломаларимиз.

Шу мақсадда жамиятнинг асосий таянчи бўлган оилада маънавий муҳитни яхшилаш, фарзанд тарбиясидаги масъулият, миллий қадриятларни сингдириш ва шу каби ташаббусларни кенг ёйиш мақсадида обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга опа-сингилларимиздан иборат жамоатчилик тузилмалари ташкил этилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан **"Оқила аёллар" ҳаракати** фаолияти йўлга қўйилди. Улар жойларда янги маънавий макон яратиш, оилаларни мустаҳкамлаш, маърифатли жамиятни қуришда зиёли оналар иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, асосан, четдан уюштирилаётган, баъзан ҳатто мамлакатнинг ўзида ҳам аҳён-аҳёнда бўй кўрсатиб қолаётган миллийлигимиз, давлатчилигимиз ҳамда маънавиятимизга қаратилган таҳдидларни, Конституция ва қонунларимизга зид позицияларни бугунги ахборот очиқлиги шароитида жиловлаш мушкул. Уларга қарши фақат маърифат билан, юксак маънавиятимиз билан изчил курашишимиз, муносиб жавоб қайтаришимиз зарур. Ватанимиз мустақиллиги, миллатимиз тақдири учун кураш — абадий кураш эканини ҳар биримиз чуқур англашимиз ва унга ҳамиша шай бўлмоғимиз керак бўлади.

Шу маънода, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, "Олима аёллар" жамияти, "Оқила аёллар" ҳаракати, Ўзбекистон етакчи аёллари мулоқоти каби қатор жамоатчилик тузилмалари Республика Маънавият ва маърифат маркази билан бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз, ўзаро мувофиқлашган тарзда самарали йўлга қўйишимиз, маънавий-маърифий ишларни илмий асосда, янгича услуб ва мазмунда, тизимли ташкил этишимиз зарур.

Биз қаерда, қандай касбда ишламайлик, табиатан аёлга, онага берилган "авлодлар тарбиячиси", деган улуғ мақомни унутмаслигимиз керак. Президентимиз илгари сурган "Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!" деган олий тушунчани фарзандларимиз онгига сингдириш, уларда мана шундай юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш ҳамда ҳаётининг мазмунига айлантириш, биз — оналарнинг муқаддас бурчимиздир.

***Мана, бетакрор ўлкамизга яна янгиланиш ва яшариш фасли — баҳор кириб келди. Табиат қайтадан уйғониб, атроф оламни яшилликка буркаб, кишига ўзгача бир софлик, шижоат ҳамда ҳаётдан завқланиб яшаш туйғусини бахш этаётган бир паллада хотин-қизларимизга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг байрамини нишонлаш ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, Шарқда Она, Аёл азалдан инсонни дунёга келтирадиган, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган муқаддас зот сифатида улуғлаб келинган.***

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти, 534 та ихчам маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилгани депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

## Ишсиз хотин-қизлар масаласига алоҳида ёндашилади

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида давлат дастурининг ижтимоий йўналтирилгани, эҳтиёжманд қатлам вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўрилаётгани эътироф этилди.

Ҳисоботда келтирилишича, "аёллар дафтари"га 1 млн. 779 хотин-қиз рўйхатга киритилиб, 993 минг 368 нафарига ёрдам кўрсатилган. Давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқиш имкониятлари яратилиб, кўлами 2 баравар оширилган. Республика бўйича оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 78 мингга яқин ишсиз хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, уларни ўқитиш ва бандлигини таъминлаш чоралари кўрилган.

Фракция аъзолари соғлиқни сақлаш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Ҳисоботни кўриб чиқиш жараёнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд аҳолини уй-жой билан таъминлаш, давлат дастурига киритилган, аммо айрим сабабларга кўра амалга ошмай қолган масалалар юзасидан саволлар билан мурожаат қилишди.

Атрофлича муҳокама ва савол-жавоблардан кейин ҳисобот қўллаб-қувватланди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда давлат мулкини тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахсларга ижарага беришда қонунийликни таъминлаш юзасидан тизимли чоралар кўрилаётганига қарамай, амалда давлат мулкидан самарали фойдаланилмаслик, уни ижарага бериш тартиблари бузилиши билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари сони ҳам ортиб бормоқда. Бу эса давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчилик бузилишига олиб келмоқда.



Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат мулкини ижарага бериш тартибига риоя қилмаганлик, бўш турган давлат мулкидан самарали фойдаланиш чораларини кўрмаганлик, давлат мулкини ижарага олган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси давлат мулкидан самарали фойдаланишни таъминлашга, ижарага олувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимояланишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Давлат мулкини ижарага бериш тартибига риоя қилмаслик билан боғлиқ юзага келаётган муаммолар бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди ва қўллаб-қувватланди.

## Экологик ҳолатни яхшилаш масъулияти

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида давлат дастурининг ўтган йил якуни бўйича бажарилиши юзасидан ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида бир қатор муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида атроф-муҳитга таъсири юқори бўлган 113 та хўжалик юритувчи субъектдаги чанг-газ тозалаш ускуналари тўлиқ модернизация қилинган.

Шаҳар ва туманларда экологик ҳолатни барқарорлаштириш ҳамда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш мақсадида республика бўйлаб жами 219,1 млн. туп манзарали ва мевали дарахт, бута кўчати ҳамда қаламчалар экилган. Бунинг натижасида ҳисобот даврида республиканинг яшиллик даражаси 15,4 фоизга етказилган. Атроф-муҳитга таъсири сезиларли бўлган айрим саноат корхоналарида "яшил белбоғ"ларни барпо этиш мақсадида 1 млн. туп кўчат экилган.

Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида қум кўчиши ҳамда чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронларининг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида 200,7 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" барпо этилган.

Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "яшил" иқтисодиёт технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш мақсадида ҳам бир қатор ишлар қилингани йиғилишда алоҳида қайд этилди.

Фракция аъзолари иқтисодиёт тармоқларидан ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини қисқартириш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш, республика ҳудудида экологик ҳолатни барқарорлаштириш ҳамда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш, минтақада юзага келаётган сув тақчиллигини юмшатиш мақсадида сув ресурсларини бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, бу йўналишда назоратни кучайтириш борасида қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

*Фракциялар йиғилишларида давлат дастури ижроси тўғрисидаги Ҳукумат ҳисоботи ҳамда қизғин муҳокама қилинган қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

## «UZ-DONGJU PAINT COMPANY» МЧЖ ҚКнинг ижроия органи, яъни корхона директори ва унинг ўринбосари лавозимига танлов ўтказилмоқда

**Танловда қатнашиш истагини билдирган номзодлар қуйида келтирилган ҳужжатлар билан Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармасига, танлов комиссиясига мурожаат этиши мумкин:**

- номзод маълумотномаси (объективкаси);
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасининг ёки хорижда олий таълим олганлиги ҳақида бакалавр дипломи;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасининг ёки хорижда олий таълим олганлиги ҳақида магистр дипломи;
- илмий унвони (фан номзоди, фан бўйича фалсафа доктори, фан доктори) ва илмий даражасини (доцент, профессор) тасдиқловчи ҳужжат;
- қўшимча олий маълумот олганлиги (иккинчи, учинчи) ҳақидаги диплом;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра лавозимга тайинлангани бўйича ҳужжат;
- давлат ташкилотларининг маъмурий-бошқарув лавозимларида иш тажрибаси;
- тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижобий тавсияномалар (мавжуд бўлган тақдирда);
- хорижий мамлакатларда раҳбарлик лавозимларида (директор, директор муовини, менежер, супервайзер) иш тажрибаси ёки хорижий юрисдикциядаги масалаларни ҳал қилишнинг амалий тажрибаси; ижобий тавсияномалар (мавжуд бўлса);
- танлов эълон қилинаётган соҳадаги раҳбарлик тажрибаси (бошқарув раиси/директор, бошқарув раиси/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар — бош муҳандис, бош механик, бош иқтисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқалар)ни тасдиқловчи ҳужжат;
- хўжалик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибасини (узоқ йиллардан буён ишлаганлиги) асослантирувчи ҳужжат;
- хўжалик жамиятлари кузатув кенгаши аъзоси сифатида иш тажрибаси;
- давлат назорат органи ходими, судья, Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси;
- хорижий тиллардан (рус, инглиз, корейс, немис, француз тиллари) бирини мукаммал билиши, қолганларидан иккитаси ёки ҳаммасини билиши;
- амал қилиш муддатига эга корпоратив бошқарувчи малака аттестати (мавжуд бўлган тақдирда);
- қимматли қоғозлар бозори мутахассиси, аудитор, суғурталовчи, баҳоловчи, суд бошқарувчиси малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи амал қилиш муддатига эга ҳужжатлар (мавжуд бўлган тақдирда);
- компьютер билимдонлик — "MS Office", "MS Excel" — ишончли фойдаланиш;
- ҳужжатлар ёпиқ конвертда комиссия аъзоларига 2024 йил 17 мартга қадар тақдим этилади.

**Аризаларни қабул қилиш вақти соат 9:00 дан 18:00 гача.
Мурожаат учун телефонлар: 74-223-25-06, 74-223-21-72.
Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 126-уй, Кенгашлар уйи биноси, 4-қават, 402-хона.**

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 5 март

Ифтихор



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон
халқ шоири.

# ХОРАЗМ ҲАЙРАТИ

*Хушхабар хуш ёқар бори элларга,*
*Шодлик шалоладек кирар дилларга.*
*Шеър, қўшиқ ярашар айтсанг тилларга,*
*Хоразм ҳайратин сўйлагим келди,*
*Қорақалпоқ қадрин куйлагим келди.*

*Кутсанг, кўкдан тушмас асло чалпак ҳам,*
*Йўқ ердан тўқилмас ҳатто эртак ҳам...*
*Керак улуғ ишни кўра билмак ҳам,*
*Халқим, ўтмишингни ўйлагим келди,*
*Ва лек бугунингни куйлагим келди.*

*Эрки йўқ, бахтга зор эл эдинг кеча,*
*Ачинган, кулганлар эдилар неча,*
*Дўппинг тизга қўйиб, фикрла пича,*
*Шонингни жонимга бойлагим келди,*
*Аслида орингни куйлагим келди.*

*Кўзни катта очиб теграңга боққин,*
*Қуш бўлиб юртимда қанотинг қоққин,*
*Эй, ғаним, инсофинг чироғин ёққин,*
*Гумондор касларни ийлагим келди,*
*Куйлашим шартлигин куйлагим келди.*

*Қайлардадир уруш... қирғин, қатағон,*
*Минг йиллик кўприклар бўлмоқда вайрон,*
*Не тонг, бизнинг юртда дўстлик ҳукмрон,*
*Кўзимга қуёшни жойлагим келди,*
*Тинчлик шукронасин куйлагим келди.*

*Бир кўприк мингтадан биттаси асли,*
*Келди Хоразмнинг чин гуллаш фасли...*
*"Лазги"га ўйнаса ярашар насли,*
*Шу кўприк тўйида тўйлагим келди,*
*Ҳам қорақалпоқча куйлагим келди.*

*Бойсундан Мўйноққа қадар кўрсинлар,*
*Кўзлари тинсалар, тийрак юрсинлар,*
*Жайҳун шамолидан шифо сўрсинлар,*
*Миллатим мардларин сийлагим келди,*
*Давлатим қудратин куйлагим келди.*

*Сарбонки, элларни бирлаштирсам, дер,*
*Дилларга дилларни бирлаштирсам, дер,*
*Йўлларга йўлларни бирлаштирсам, дер,*
*Мен-да ўзимни сал қийнагим келди,*
*Юракни ёндириб куйлагим келди.*

*Кўксин кўприк қилиб тутиб турганда,*
*Олам шул кўприкдан ўтиб турганда,*
*Ўзбекнинг қадрига етиб турганда,*
*Ўзбекистон бўлиб бўйлагим келди,*
*Садоқат созида куйлагим келди!*

# АМУДАРЁНИНГ «ОЛТИН БЕЛБОҒИ»

## Қорақалпоқ ва Хоразм аҳлининг асрий орзуларини рўёбга чиқарди



Муносабат

*Халқимизда азал-азалдан йўл қуриш, кўприк солиш, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш савобли амаллардан саналади. Шу кунларда инсон қадр-қимматини юксалтириш, турмушини, ҳаёт даражасини яхшилашга қаратилган янги Ўзбекистоннинг яна бир муҳташам иншооти қуриб битказилди. Бу Амударё устига қурилган замонавий кўприк бўлиб, унинг бунёд этилиши қорақалпоқ ва Хоразм аҳлини беҳад қувонтирди. Чунки бу кўприк нафақат темир йўл ва автомобиль йўлини яқинлаштирди, балки икки халқнинг азалий қадрдонлик ришталарини янада мустаҳкамлади. Айни чоғда кўприкнинг мустаҳкамлиги ҳудуд ҳаёт даражасини яхшилайди. Янада қувонарлиси эса, бу мажмуанинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этгани бўлди...*

**Давлат раҳбарининг ҳар бир вилоятга ташрифида, албатта, ўша ҳудуднинг ўзига хосликлари эътиборга олинган ҳолда ташкилий тадбирлар белгиланади. Ана шу маънода, Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш, хусусан, йирик саноат объектларига зарурат борлигига жиддий эътибор қаратилаётгани барчамизга мамнуният бағишлади. Президентимиз ушбу тадбирларга 1,1 млрд. доллар ва 10 трлн. сўм йўналтирилишини қайд этди. Бу эса вилоятда кўплаб соҳаларда жуда катта ўзгариш, ривожланиш, ўсиш бўлишини англатади.**

Дарҳақиқат, хоразмликлар ва қорақалпоқлар азал-азалдан бир тану бир жон, дўсту қардош бўлиб дунё халқларига намуна бўлиб келаётир. Президентимиз ғояси билан Амударё устида қурилган, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасини боғлайдиган замонавий кўприк нафақат халқларимизни янада яқинлаштирди, балки маҳсулотларни экспорт қилиш масофасини қисқартирди, таннарх арзонлашишига, тадбиркорларнинг оворагарчиликларини бартараф этишга замин яратди. Шу жиҳатдан, Амударёнинг ҳар икки қирғоғида яшовчи юртдошларимизнинг асрий орзусини рўёбга чиқарди.

Президентимизнинг воҳа фаоллари билан дилдан суҳбати, белгилаб берган вазифалар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий соҳасини ривожлантириш орқали халқимизнинг яшаш шароитини юқори поғоналарга оширишга хизмат қилади.

Маълумки, давлатимиз томонидан қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, катта дастурлар амалга оширилмоқда. Охирги уч йилда ҳудудларда биргина қуёш ва шамол генерация қувватларини ишга тушириш учун 2 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб этилди.

Шу ўринда Урганч давлат университетида бу борада бажарилган ишларга диққат қаратсак. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш борасидаги аниқ вазифалар ижроси Урганч давлат университетида ҳам тизимли амалга оширилди.



Хусусан, 2023 йилда Урганч давлат университетида жами 2200 кВт-соат қуёш панеллари ўрнатилиб, муқобил энергия манбалари жорий этиш ишлари муддатидан аввал якунланди. Қувонарлиси, об-ҳаводаги ўзгаришлар ёки бошқа турли сабаблар туфайли электр энергияси тизимида номутаносиблик бўлган ҳолатларда ҳам университет ҳеч қачон электр энергиясидан узилиб қолмайди. Ўрнатилган 60 та ёритқич бир йилда 90 минг кВт-соат электр энергияни тежайди. 30 дона сув иситиш қурилмаси орқали йилига 6 минг кВт-соат электр энергия тежаладиган бўлди. Шунингдек, университетдаги иситиш қозонларини кўмир ёқилғисида ишлашга мослаш бўйича ҳам юмушлар олиб борилди. 15 та кўмир қозони ўрнатилди ва 225 тонна кўмир захира қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилди.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, қуёш панелларини ўрнатишнинг қатор фойдали томонларига амалда гувоҳи бўлганимиздан сўнг университет раҳбар ходимлари уни ўзи яшаш хонадонларига ҳам ўрната бошлади. Бунинг учун эса қулай шароитлар яратилган. Хусусан, 5 йиллик имтиёзли кредит, қолаверса, ер ва сув солиқларидан озод бўлиш, учинчидан эса, ортиқча электр энергиясини давлатга сотиб, қўшимча даромад олишдек имкониятлар мавжудлиги фикримиз далилидир.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланиш нафақат ўзимиз, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам фойдалидир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари учрашувда "Voltalia" компанияси билан ҳамкорликда Тупроққалъа туманида қуввати 100 мегаваттли қуёш электр станциясини барпо қилиш лойиҳаси доирасидаги ишлар бошланаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлади. Соҳанинг стратегик аҳамияти қайд этиларкан, "Энергетика саноатида барқарорликка эришиш глобал интеграция шароитида ҳар бир давлатнинг стратегик мақсади. Айниқса, қайта тикланувчи генерациялар — замонавий тараққиётга эришиш, иқтисодиётни диверсификация қилишда куч-қувват бўладиган асосий драйверлардан биридир", деди Шавкат Мирзиёев.

Эътиборлиси, Франциянинг "Voltalia" компанияси томонидан бу соҳада яна бир мажмуа — Тупроққалъа туманида қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши бошланмоқда. Хоразмдаги илк шундай йирик лойиҳа натижасида йилига 254 млн. кВт-соат "яшил" энергия ишлаб чиқарилади. Бу эса Хоразм вилояти йиллик электр энергияси истеъмолининг 11 фоизини қоплайди. Умуман, бу лойиҳа ишга тушса, Хоразм вилоятида электр энергия ишлаб чиқариш қувватлари 30 фоизга ошади.

Мазкур компания билан университетимиз ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган. Жорий йил бошида Франциянинг "Voltalia" компанияси ва Урганч давлат университети ўртасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, кадрларга инглиз ва француз тилларини ўргатиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишилди. Компания вакиллари Урганч давлат университетига ташрифи чоғида университет раҳбарияти, Физика кафедраси профессор-ўқитувчилари билан учрашди. Шунингдек, университет ҳузурида ташкил этилган "Яримўтказгичли қуёш элементлари ва лазер физикаси" илмий марказида бўлиб, қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва мавжуд лаборатория ускуналари билан танишди. Бундан ташқари, компания вакиллари муқобил энергия ва электр энергетикаси йўналишлари бўйича ўқув режалари ва лабораториялар фаолиятини ўрганди.

Эндиликда Тупроққалъа туманида қуёш фотоэлектр станцияси қурилишига ушбу соҳа йўналишида меҳнат қилаётган ўқитувчиларимизни тажриба ва билим орттириш мақсадида жалб этиш, шунингдек, соҳада таҳсил олаётган битирувчи талабаларни айнан мазкур жараёнга йўналтириб, иш билан таъминлашни ҳам "Voltalia" компанияси билан ҳамкорликда олиб бориш имконига эгамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолига муносиб яшаш шароитларини яратиш, бандликни таъминлаш бўйича барча куч ва имкониятлар сафарбар этилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари вилоятдаги захираларни ишга солишнинг янги имкониятларини белгилаб берди. Айниқса, биз, хоразмликларни меҳнаткаш, интилувчан, изланувчан, янгилик яратувчи халқ дея эътироф этгани воҳа аҳли қалбини тўлқинлантирди, кучига куч, шижоатига шижоат қўшди, десак, муболаға бўлмайди.

Давлат раҳбарининг ҳар бир вилоятга ташрифида, албатта, ўша ҳудуднинг ўзига хосликлари эътиборга олинган ҳолда ташкилий тадбирлар белгиланади. Ана шу маънода, Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш, хусусан, йирик саноат объектларига зарурат борлигига жиддий эътибор қаратилаётгани барчамизга мамнуният бағишлади. Президентимиз ушбу тадбирларга 1,1 млрд. доллар ва 10 трлн. сўм йўналтирилишини қайд этди. Бу эса вилоятда кўплаб соҳаларда жуда катта ўзгариш, ривожланиш, ўсиш бўлишини англатади.

Кичик ва ўрта бизнесни янада қўллаб-қувватлаш, қиймати 10 млрд. доллардан зиёд йирик газ-кимё мажмуаси лойиҳасини барпо қилиш, туризмни ривожлантириш, электротехника, тўқимачилик ва қурилиш материаллари йўналишида 100 млн. долларлик лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда хоразмлик тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар белгиланди. Сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразм вилоятига кириш учун "Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим" виза тизими жорий қилиниши таъкидланди. Урганч шаҳрида "Лазги" ва "Авесто" музейларини очиш топширилди. Давлатимиз раҳбари ҳар қарич ерни, ҳар томчи сувни юқори ҳосилга айлантириш йўлидан боришимиз шартлигини, буни хоразмликлар ҳаммадан кўра яхши тушунишига эътибор қаратди. Аҳоли, айниқса, ёшларга ерларни аукцион орқали бўлиб бериш амалиёти Хоразмда ҳам давом эттирилиши лозимлигини билдирди.

Мамлакат раҳбарининг Хоразмга алоҳида эътибори ва меҳрини ҳамиша ҳис қилиб келмоқдамиз. Ишонамизки, Президентимизнинг бу галги ташрифи ҳам вилоятимиз тарихида янги саҳифаларни очади.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Урганч давлат университети ректори, профессор.**

Китоб жавонингизга

# Меҳрнома



*Маънавиятнинг туб илдизи тарихий хотира билан боғлиқ. Киши тарихни яхши билса, ўзлигини, кимларнинг авлоди эканини англаб турса, у ҳаётда камроқ хато қилади, бошқалар уни ўз танлаган йўлидан қайтаролмайди.*

Оиланинг узлуксиз тарихини тиклаш жараёнида хотира китобларининг ўрни беқиёс. Шу маънода, моҳир қаламкаш, ёшларнинг ардоқли устози, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Икром Ўтбосаров хотирасига бағишланган "Меҳрнома" китоби авлодлар тарихини бир-бирига боғлайдиган олтин кўприк бўлади. Негаки, ундан ҳамкасблари, шогирдлари ва оила аъзоларининг самимий хотиралари ўрин олган.

Кўплаб тарихий воқеликлар моҳиятини тушунишда ҳам мемуар-эсдалик асарларнинг ўрни бебаҳо. Шу маънода, китобда келтирилган хотиралар силсиласида юртимизда рўй берган янгиланишлар акс этади, айни пайтда ўқувчи фидойи журналистнинг етук шахс, моҳир қаламкаш бўлиб етишиш йўлини ҳам англаб боради. Бу эсдаликлар мустақил ҳаётга қадам қўйиб, ўз йўлини танлаётган ёки яхши мутахассис бўлишга интилаётган ёшлар учун ҳам қимматли. Зеро, кечаги куннинг сабоқларидан етарли хулоса чиқармай, камчиликларнинг илдизини англаб, уларни бартараф этиш йўлларини кашф қилмай, бирор муваффақиятга эришиш мушкул.

Умр бўйи ҳаёти китоб варақларига лавҳалар битиш билан ўтган инсон ҳақидаги ушбу асар ўқувчига манзур келишига ишонамиз.

# Қавс баёзи



*Қавс — кузнинг охирги ойи. Бу пайтда дарахтлар барглари сарғайиб, ерга тўкилади. Анҳорларда сувлар тиниқлашади.*

Она табиатга қўшилиб инсон ҳам сокин тортиб қолади, фикрлари теранлашади. Беихтиёр ҳаёт ҳақида мушоҳада юрита бошлайди.

Шоир ва ёзувчи Фармон Тошевнинг "Қавс баёзи" китобидан ана шундай кайфият, туйғулар сарчашмаси бўлган шеърлар, ғазаллар, тахмис, маснавийлар, фардлар, туюқлар жой олган. Уларни ўқиб, муаллиф ижодини қавсга ўхшатасиз. Унинг йиллар давомида олган ҳаётий тажрибаларидан хулоса чиқариб, фикр-мулоҳазаларини мисраларга жойлаганига гувоҳ бўласиз.

Ушбу тўплам кўнглингиз ва кутубхонангиздан муносиб жой эгаллашига умид қиламиз.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**қуйидаги лавозимларга кафедралар бўйича танлов эълон қилади:**

**Терапия факультети**

Неврология кафедраси профессори;
Ички касалликлар кафедраси доценти.

**Хирургия факультети**

Оториноларингология кафедраси ассистенти;
1-Ультратовуш диагностикаси кафедраси мудири;
Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси доценти, ассистенти;
Тиббий радиология кафедраси ассистенти, стажер ўқитувчи;
Онкология кафедраси профессори, ассистенти;
Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси мудири;
Хирургик стоматология кафедраси ассистенти;
Урология ва андрология кафедраси мудири;
Шошилинч тиббий ёрдам кафедраси доценти, ассистенти;
Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси кафедраси ассистенти;
Травматология ва ортопедия кафедраси доценти, ассистенти.

**Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети**

Тиббиёт техникаси ва инновацион технологиялар бўйича инженер-техник ходимлар кафедраси мудири;
Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси доценти, катта ўқитувчиси;
Нейрохирургия кафедраси мудири;
Оилавий тиббиёт кафедраси доценти, ассистенти;
Патанатомия ва суд тиббий экспертизаси кафедраси мудири.

**Педиатрия факультети**

Педиатрия кафедраси мудири, доценти;
2-Акушерлик ва гинекология кафедраси мудири;
Болалар асаб касалликлари кафедраси мудири, ассистенти.

**Тиббий профилактика факультети**

Эпидемиология кафедраси ассистенти;
Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми — инфекция муаммолари курси стажёр ўқитувчиси;
Клиник лаборатор диагностика кафедраси ассистенти;
Нейрореабилитация кафедраси мудири, профессори.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел.: 71-267-60-74.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6